

**Одил судлов академиясининг судьялик лавозимларига номзодларни
касбий қайта тайёрлаш курсларига ўқишга кириш билан боғлиқ энг кўп
бериладиган саволлар**

1. **Юридик стажни ҳисоблашда коллежда ҳуқуқ фани ўқитувчиси бўлган давр инобатга олинадими? Йўқ. Инобатга олинмайди.**
2. **Ўқиш давлат грант асосиди бўладими ёки контракт асосида? Ўқиш давлат гранти асосида бўлади.**
3. **Ўқиш даврида олдинги иш жойимиз сақланадими? Касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади.**
4. **Хотин-қизларга қўшимча квота ажратиладими? Ҳа. Ҳар бир йўналиш бўйича учтадан қўшимча квота ажратилади.**
5. **Юридик ихтисослик бўйича иш стаж етти йил бўлиши учун бир неча кун етмаса қабул қилинадими? Йўқ. Қабул қилинмайди.**
6. **Иншони рус тилида ёзса ҳам бўладими? Йўқ. Ўзбек ёки қорақалпоқ тилларида ёзиш мумкин.**
7. **Суҳбатда қандай масалаларга эътибор қаратилади? Суҳбат талабгорнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан, юриспруденцияга оид таълимотлар ва қоидалардан ҳамда ихтисосликка оид қонунчиликдан хабардорлигини, шунингдек, унинг маънавий-маърифий дунёқараши доирасини аниқлашга эътибор қаратилади.**
8. **Ихтисослик фанидан тест саволлари танишиб чиқиш учун бериладими? Йўқ. Берилмайди. Ихтисослик фани бўйича тест саволларига оид йўналтирувчи мавзулар рўйхати, қоида тариқасида, кириш синовлари бошланишидан бир ой олдин Судьялар олий кенгаши ва Одил судлов академиясининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларига жойлаштирилади.**
9. **Иншо мавзулари бериладими? Иншо мавзулари олдиндан Қабул комиссияси томонидан Судьялар олий кенгаши ва Одил судлов академиясининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларида эълон қилинади.**
10. **Кириш синовлари натижаларидан норози бўлганда қанча муддатда шикоят бериш мумкин?**

Кириш синовлари бўйича талабгор томонидан шахсан берилган шикоятлар уларнинг натижалари Судьялар олий кенгаши ва Одил судлов академиясининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги каналларида эълон қилинган вақтдан эътиборан 24 соат давомида қабул қилинади.

11. Кириш синовлари натижалари бўйича шикоятни бошқа шахслар орқали ҳам бериш мумкинми? *Талабгордан бошқа шахслар томонидан ёки белгиланган муддатдан кейин берилган шикоятлар кўриб чиқилмайди.*

12. Ҳуқуқий мавзудаги иншо ёзиш учун қанча вақт берилади? *Ҳуқуқий мавзудаги иншо 3 (уч)та мавзу бўйича ёзилади. Ҳар бир мавзуга 1(бир) соатдан жами 3(уч) соат вақт берилади.*

13. Ихтисослик фанидан тест синовни рус тилида топширса ҳам бўладими? *Йўқ. Фақат ўзбек тилида топширилади.*

14. Иншони кирил ёки лотин алфавитида ёзиш мумкинми? *Ҳа. Мумкин.*

15. Дастлабки синов босқичида паст балл тўплаган талабгор кейинги синов босқичида иштирок этиши мумкинми? *Ҳа. Иштирок этиши мумкин.*

16. Тиббий маълумотномани исталган шаклдаги наъмуна бўйича тўлдириш мумкинми? *Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2026 йил 19 февралдаги 2108-сонли қарори билан тасдиқланган шаклдаги тиббий хулоса (086-1 шакл) асосида тўлдириш лозим.*

17. Тиббий хулоса намунасини қаердан олиш мумкин? *Тиббий хулоса намунаси Академиянинг расмий телеграм каналида қабул бошланганлиги ҳақида берилган эълон матнига илова қилинган.*

18. Қурбон ҳайти байрами муносабати билан байрам кунларида талабгорлардан ҳужжат қабул қилинадими? *Талабгорларга қулайлик яратиш мақсадида вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатлари ҳамда Академия Қабул комиссияси 30 май(шанба) кунини фаолият олиб боради.*